

“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан «Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари» мавзусидаги кўргазмали маъруза таълим технологияси модели

Вақт 2 соат	Талабалар сони 25
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Ер ислоҳати ва ер тузишни лойиҳалашнинг янги вазифалари
<i>Ўқув машғулот мақсади</i>	“Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари” Ер ислоҳати ва ер тузишни лойиҳалашнинг янги вазифал тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
<i>Педагогик вазиятлар</i> 1. Ер ислоҳати ва ер тузишни лойиҳалашнинг янги вазифаларини тушунтиради	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i> 1. Ер ислоҳати ва ер тузишни лойиҳалашнинг янги вазифалари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар
<i>Таълим усуллари</i>	маъруза, ақлий хужум, мунозара
<i>Таълимни шакллантириш шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор сўров

“Ер тузишни лойиҳалаш” фанидан «Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари» мавзусидаги кўргазмали маъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кўргазмали маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. Ақлий ҳужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (1 илова)	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намоиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (2 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади. 2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади. 2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (3 илова)	Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Яқуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.	Тинглайдилар  Топшириқни ёзиб оладилар

*1-Илова*

*(Ақлий ҳужум)*

- 1. Лойиҳа нима учун таркибий қисмларга бўлинади?*
- 2. Лойиҳа элементлари нима?*
- 3. Лойиҳалаш услубияти нима?*
- 4. Лойиҳалаш технологияси неча турга бўлинади?*
- 5. Ер тузишни лойиҳалашда махсус қурилмалардан фойдаланилмоқда?*

## Ер ислоҳати ва ер тузишни лойиҳалашнинг янги вазифалари

Республикамиз мустақилликка эришгандан ер ислоҳоти бошланди. Бу эса ўз навбатида катта ҳажмдаги ер тузиш ишларини бажариш заруратини келтириб чиқарди. Янги турдаги хўжаликларнинг пайдо бўлиши ер тузишни лойиҳалашнинг мазмуни кенгайишига, усулларининг ўзгаришига ва такомиллашишига олиб келди.

- Ўзбекистонда ер ислоҳотининг ҳуқуқий асосини «Ер тўғрисида» ги (1990 й.), «Ижара тўғрисида» ги (1991 й.), «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги (1992 й.), «Ер кодекси» (1998 й.), «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (1998 й.), «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги (1998 й.), «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги (1998 й.) қонунлар яратди.

Давлатимизнинг ер бўйича сиёсатини амалга оширишнинг иқтисодий чораси сифатида «Ер солиғи тўғрисида» (1993 й.) қонун қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, бошқарув тизими ва тамойиллари янгиланди. Совхозлар тугатилиб, улар мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўзгартирилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизими ўзгариб, ўтган даврдан мерос бўлиб қолган пахта якка ҳокимлигига барҳам берилди. Дон мустақиллигига эришиш асослари яратилди, аввал четдан келтирилган баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва картошка майдонларини кенгайтириш амалга оширилди.

Республика ер фонди яхшиланди ва уни ривожлантиришга, тупроқ унумдорлигини кўтаришга, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантиришга катта эътибор берилди.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётидаги аҳамияти, аграр соҳадаги муаммоларнинг мураккаблиги аграр соҳани ислоҳ қилишни чуқурлаштириш бўйича дастур ишлаш зарурлигини тақазо этади. Шунинг учун 1998 й. 18 мартда "1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастури" ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур қуйидаги асосий вазифаларни ечишга қаратилган:

1. Қишлоқда мулкчилик муносабатларини, энг аввало хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш;

2. Деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини ўйғотиш, деҳқонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқига тўла эга бўлишини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида мулкӣ пайларни жорий этиш асосида мулкӣ муносабатларни такомиллаштириш;

3. Ҳар хил турдаги товар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи-ларнинг (йирик ва майда товар хўжаликлари) ташкилий-ҳуқуқӣ шаклларини - қишлоқ хўжалик ширкати, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқларини ва иқтисодӣ мустақиллигини кенгайтириш.

- 4. Деҳқонларнинг ўз меҳнати ва бутун қишлоқ хўжалик корхонаси фаолиятининг пировард натижаларидан манфаатдорлигини ошириш. Бунга ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг оилавий (жамоа) пудратига асосланган ички хўжалик тизимини жорий этиш йўли билан, етиштирилган маҳсулотларга ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш ва мулкӣ пайлар бўйича дивидент тўлаш билан эришилади.

- 5. Тупроқ эрозиясига қарши кураш ва мелиоратив тадбирларни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг саноатга асосланган энг замонавий технологиясини жорий этиш ҳисобига деҳқончилик маданиятини, тупроқ унумдорлигини ошириш.



6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали юритишнинг асосий мезони сифатида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, қорамол ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишни таъминловчи замонавий агротехник қоидалари ва талабларга риоя этиш.

7. Мамалакатимизда пахтачилик, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги тизимини ривожлантириш, маҳаллий тупроқ, иқлим шароитига мос районлаштирилган навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, чорвачиликда наслчиликни яхшилаш.

Республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлар сони ва уларни ихтисослашуви тўјрисида тезкор

М А Ё Л У М О Т

№	Вилоятлар	2008 йил 1 июль ҳолатига жами фермер хўжаликлар и сони	Уларга ажратилган умумий ер майdonи, гектар	Шу жумладан ихтисослиги бўйича													
				Пахта ва ғаллачилик		Сабзавот ва полизчилик		Боғдорчилик ва узумчилик		Тутчилик		Чорвачилик		Бошеалар			
				сони	ер майdonи, гектар	сони	ер майdonи, гектар	сони	ер майdonи, гектар	сони	ер майdonи, гектар	сони	ер майdonи, гектар	сони	ер майdonи, гектар	сони	ер майdonи, гектар
				6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17		
1.	Корасалпоғистон	9754	577884	6284	464646	1173	10176	829	5225	0	0	814	63901	654	33936		
2.	Андижон	17118	243067	6650	208471	1111	4324	6412	16139	1685	4350	643	7027	617	2755		
3.	Бухоро	15908	851969	7936	360766	1101	3724	5916	11878	16	95	819	473941	120	1565		
4.	Жиззах	14133	479018	12504	431985	262	2131	916	10670	34	196	370	33213	47	822		
5.	Кашкадарё	30080	708286	21929	646734	982	4538	4911	23567	991	1710	803	28994	464	2743		
6.	Навоий	7333	232381	3523	80208	223	3060	2289	14349	150	659	1090	133044	58	1062		
7.	Наманган	14011	242709	5999	173682	1026	4590	5068	17379	562	2532	1090	41534	266	2992		
8.	Самарқанд	24903	495072	10792	398596	2270	39298	10246	32045	290	987	1200	23949	105	197		
9.	Сурхондарё	14944	641469	8096	279631	228	1160	5089	24910	315	1318	1181	329741	35	4710		
10.	Сирдарё	10660	275654	9297	241201	44	369	644	9010	32	98	567	22321	76	2656		
11.	Тошкент	20221	439095	7867	261266	2519	10439	8246	38293	212	1161	1037	96705	340	31231		
12.	Фарғона	25070	397858	9344	322198	853	4262	12592	44282	736	2776	1275	23798	270	542		
13.	Хоразм	19655	246265	10272	202732	1480	5860	4553	8758	2431	4197	746	20087	173	4630		
	Жами:	223790	5830727	120493	4072115	13272	93931	67711	256506	7454	20079	11635	129825	5	3225	89841	

## Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мақбуллаштириш натijasида фермер хўжаликларининг ер майдони тўғрисида

Т/р	Худудлар номи	2010 йил 1 октябрь ҳолатига			Мақбуллаштириш натижасида			Фарқи, (+,-)			Фарқи, (%)	
		Жами ф/х сони	жами майдони, минг га	ўртача бир ф/х майдони, гектар	Жами ф/х сони	жами майдони, минг га	ўртача бир ф/х майдони, гектар	Жами ф/х сони	жами майдони, минг га	ўртача бир ф/х майдони, гектар	Жами ф/х сони	ўртача бир ф/х майдони, гектар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3879	457	118	3354	426	127	-525	-31	9	14	8
2	Андижон	7296	224	31	6175	224	36	-1121	0	6	15	18
3	Бухоро	4841	730	151	3953	730	185	-888	0	34	18	22
4	Жиззах	5560	469	84	4735	487	103	-825	18	18	15	22
5	Қашқадарё	8599	726	84	7139	726	102	-1460	0	17	17	20
6	Навоий	2382	223	94	1801	216	120	-581	-8	26	24	28
7	Наманган	6245	228	37	4515	230	51	-1730	2	14	28	39
8	Самарқанд	8804	496	56	7723	497	64	-1081	1	8	12	14
9	Сурхондарё	5527	605	109	4951	606	122	-576	1	13	10	12
10	Сирдарё	4241	232	55	3319	238	72	-922	6	17	22	31
11	Тошкент	7449	423	57	6051	422	70	-1398	-1	13	19	23
12	Фарғона	1013 1	286	28	7737	286	37	-2394	0	9	24	31
13	Хоразм	5760	206	36	4681	206	44	-1079	0	8	19	23
<b>Жами</b>		<b>8071 4</b>	<b>5306</b>	<b>66</b>	<b>66134</b>	<b>5295</b>	<b>80</b>	<b>-14580</b>	<b>-12</b>	<b>14</b>	<b>18</b>	<b>22</b>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18-октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512-сонли фармойиши

Республика бўйича жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатида фаолият кўрсатаётган жами 80 минг 714 та (ўртача ер майдони 66 гектар), пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги 41 минг 745 та (51,7%, ўртача ер майдони 91 гектар), сабзавотчилик ва полизчилик йўналишидаги 4 минг 61 та (5%, ўртача майдони 19 гектар), боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги 22 минг 174 та (27,5%, ўртача ер майдони 10 гектар), чорвачилик йўналишидаги 6 минг 109 та (7,6%, ўртача ер майдони 185 гектар) ва бошқа йўналишдаги 6 минг 625 та (8,2%, ўртача ер майдони 13 гектар) фермер хўжаликларига бириктириб берилган

## Республика бўйича мақбуллаштириш натижасида жами фермер хўжалиklarининг сони тўғрисида

## МА Ё Л У М О Т

Т/р	Худудлар номи	2010 йил 1 октябрь ҳолатига						2011 йил 31 декабрь						Фарқи (+,-)					
		жами ф/х сони	шу жумладан					жами ф/х сони	шу жумладан					жами ф/х сони	шу жумладан				
			пахта-галла-чилик	сабзавот полиз-чилик	боғдор-чилик узум-чилик	чорва-чилик	бошқа-лар		пахта-галла-чилик	сабзавот полиз-чилик	боғдор-чилик узум-чилик	чорва-чилик	бошқа-лар		пахта-галла-чилик	сабзавот полиз-чилик	боғдор-чилик узум-чилик	чорва-чилик	бошқа-лар
<i>A</i>	<i>B</i>	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>10</i>	<i>11</i>	<i>12</i>	<i>13</i>	<i>14</i>	<i>15</i>	<i>16</i>	<i>17</i>	<i>18</i>
1	Қорақалпоғистон	<b>3879</b>	2831	213	309	417	109	<b>3354</b>	2653	168	141	316	76	<b>-525</b>	-178	-45	-168	-101	-33
2	Андижон	<b>7296</b>	2686	394	1879	485	1852	<b>6175</b>	2551	364	1554	436	1270	<b>-1121</b>	-135	-30	-325	-49	-582
3	Бухоро	<b>4841</b>	3104	92	1015	576	54	<b>3953</b>	2679	67	642	508	57	<b>-888</b>	-425	-25	-373	-68	3
4	Жиззах	<b>5560</b>	4340	172	613	360	75	<b>4735</b>	3716	147	492	332	48	<b>-825</b>	-624	-25	-121	-28	-27
5	Қашқадарё	<b>8599</b>	6452	197	1363	501	86	<b>7139</b>	5266	307	1079	429	58	<b>-1460</b>	-1186	110	-284	-72	-28
6	Навоий	<b>2382</b>	1318	14	571	433	46	<b>1801</b>	1158	17	264	324	38	<b>-581</b>	-160	3	-307	-109	-8
7	Наманган	<b>6245</b>	2773	241	2235	306	690	<b>4515</b>	2377	119	1445	240	334	<b>-1730</b>	-396	-122	-790	-66	-356
8	Самарқанд	<b>8804</b>	3325	1858	2314	462	845	<b>7723</b>	3013	1519	1968	425	798	<b>-1081</b>	-312	-339	-346	-37	-47
9	Сурхондарё	<b>5527</b>	2652	0	1827	761	287	<b>4951</b>	2490	0	1576	701	184	<b>-576</b>	-162		-251	-60	-103
10	Сирдарё	<b>4241</b>	3159	21	495	311	255	<b>3319</b>	2459	15	377	232	236	<b>-922</b>	-700	-6	-118	-79	-19
11	Тошкент	<b>7449</b>	3672	485	2396	619	277	<b>6051</b>	2833	650	1809	539	220	<b>-1398</b>	-839	165	-587	-80	-57
12	Фарғона	<b>10131</b>	3214	362	5456	416	683	<b>7737</b>	2709	259	4280	318	171	<b>-2394</b>	-505	-103	-1176	-98	-512
13	Хоразм	<b>5760</b>	2219	12	1701	462	1366	<b>4681</b>	1992	15	1337	529	808	<b>-1079</b>	-227	3	-364	67	-558
	<b>Жами</b>	<b>80714</b>	<b>41745</b>	<b>4061</b>	<b>22174</b>	<b>6109</b>	<b>6625</b>	<b>66134</b>	<b>35896</b>	<b>3647</b>	<b>16964</b>	<b>5329</b>	<b>4298</b>	<b>-14580</b>	<b>-5849</b>	<b>-414</b>	<b>-5210</b>	<b>-780</b>	<b>-2327</b>

2013 йил 1 январ ҳолатига кўра, фермер хўжаликларнинг умумий сони 71552 тани, шу жумладан ихтисослиги: пахта-ғаллачилик - 33601 та, ғаллачилик - 5495 та, чорвачилик - 5691 та, боғдорчилик - 15397 та, узумчилик – 2474 та, сабзаётчилик-полизчилик - 2729 та, тутчилик - 2375 та ҳамда бошқа йўналишда 3790 та ни ташкил қилди. Республикамизда 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 5886,6 минг гектарни, шу жумладан экин ерлар 3546,0 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 281,8 минг гектар, бўз ерлар 33,5 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 1353,3 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 646,1 минг гектарни ташкил қилди.

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд фермер хўжалиklarининг сони, ер майдони ва ер турларлари бўйича тақсимланиши** (минг га ҳисобида)

Т/р	Республика, вилоятларнинг номи	Фермер хўжалиklarининг соми	Умумий ер майдони	Экин ерлар			Кўп йиллик дарахтзорлар						Бўз ерлар	Пичанзорлар ва яйловлар	Жами кишлоқ хўжалиги ерлари	Бошқа ерлар
				жами	шу жумладан		жами	Шу жумладан								
					суғориладиган	лалми		Боғлар	узумзорлар	тутзорлар	Мевали кўчагзор ва бошқа дарахтзорлар					
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3359	549,9	304,1	304,1		3,7	1,7	0,1	1,9		6,1	107,9	421,8	128,1	
2	Андижон	6535	247,4	194,2	194,2		22,9	13,6	2,1	7,2		1,1	3,9	222,1	25,3	
2	Бухоро	3953	883,9	197,7	197,7		19,4	6,8	6,3	6,3		6,0	503,8	726,9	157,0	
4	Жиззах	5150	498,0	430,3	245,5	184,8	10,1	7,1	1,5	1,4	0,1	2,2	32,7	475,3	22,7	
5	Қашқадарё	7139	761,7	539,5	368,6	170,9	28,4	13,4	7,3	7,7		5,2	145,6	718,7	43	
6	Навоий	1762	208,3	85,7	76,8	8,9	6,7	2,6	3,0	1,1		3,0	104,7	200,1	8,2	
7	Наманган	5115	274,6	189,6	189,6		21,5	12,1	5,6	3,7	0,1	1,6	13,3	226,0	48,6	
8	Самарқанд	8622	512,8	387,0	242,5	144,5	48,8	15,4	26,1	7,2	0,1	0,5	42,8	479,1	33,7	
9	Сурхондарё	5280	669,4	245,9	220,3	25,6	24,1	9,7	10,9	3,5			337,3	607,3	62,1	
10	Сирдарё	4800	258,3	224,5	224,5		6,0	4,1	0,6	1,3		5,2	7,8	243,5	14,8	
11	Тошкент	6062	439,7	313,2	283,7	29,5	34,9	21,7	10,5	2,5	0,2	0,6	59,9	408,6	31,1	
12	Фарғона	8981	339,1	243,9	243,9		42,7	38,3	1,3	3,1			1,2	287,8	51,3	
13	Хоразм	4794	243,5	190,4	190,4		12,6	7,4	1,1	4,1		2,0	0,3	205,3	38,2	
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>71552</b>	<b>5886,6</b>	<b>3546,0</b>	<b>2981,8</b>	<b>564,2</b>	<b>281,8</b>	<b>153,9</b>	<b>76,4</b>	<b>51,0</b>	<b>0,5</b>	<b>33,5</b>	<b>1361,2</b>	<b>5222,5</b>	<b>664,1</b>	

# Фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш динамикаси





Ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, ер тузиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ҳисобга олиш ҳамда баҳолашни такомиллаштириш, давлат бошқарув органларининг юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш тупроқ унумдорлигининг оширишни таъминлаш соҳасида фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлашда қуйидаги муҳим йўналишларни ривожлантирилиши лозим:

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш;
- қишлоқ аҳоли пунктларининг ер майдонларини, улар тўғрисида ер кадастри ахборотларини шакллантириш учун рўйхатдан ўтказишни мунтазам равишда ташкил этиб бориш;
- барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи юридик ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибда таъминлаш;
- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш;

- ер соҳасида амалга оширилган ишлар натижаларининг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, ердан самарали ва оқилона фойдаланиш мавзуида соҳадаги мутахассисларнинг билимларини ҳамда малакаларини ошириш мақсадида, уларни иштирокида доимий ўқув, амалий семинарларни ташкил этиш,
- замонавий талаблар даражасида ер мониторингини олиб бориш, маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида ер тузиш органларидаги мутахассисларни замонавий технологиялар, дастурлар ҳамда геодезик ўлчов асбоблари билан таъминлаш;
- автоматлаштирилган ер маълумотлари тизимини яратиш, юритиш ва такомиллаштириш;
- янги технологиялар, илмий ишланмалар, услубий қўлланмаларни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш;
- мажмуавий равишда ер тузиш, ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унимдорлигини сақлаш ва ошириш, ер ҳолатини назорат қилиш (ер мониторинги) стратегик масалаларни ҳал этиш;
- вилоят, туман, шаҳар, қишлоқларни ташкил қилувчи маъмурий-ҳудудий чегараларни жойининг ўзида аниқлаш (аниқлик киритиш), белгилаш ва ўрнатиш ишларини белгиланган тартибда (чегара белгилари ва ҳужжатлари асосида) расмийлаштириш;
- ер тузиш ишларини замонавий технологиялар асосида мажмуавий олиб боришни такомиллаштириш;

- суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш (тиклаш) ва ошириш каби долзарб масалаларни амалга ошириш;
- суғориладиган ерларнинг электрон хариталарини яратиш ва янгилаб бориш ҳамда тупроқ бонитировкаси ишларини белгиланган тартибда бажариш;
- суғориладиган ерларнинг чўлланиш, эрозия, шўрланиш, тупроқ унумдор қатламининг ўта ночор ҳолга келиши, гумус ва озиқа моддалари миқдорини камайиши, хайдалма ва ҳайдов ости қатламларининг зичланиши ҳамда технологик ифлосланиш жараёнларининг олдини олишга йўналтирилган мажмуавий масалаларни мунтазам равишда ҳал этиб бориш;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалик ерлари норматив (қиймат) баҳосини белгиланган тартибда сифатли аниқланишини таъминлаш;
- давлат кадастрлари юритишни ва ягона тизимини юритишда замонавий техника ҳамда технологиялар билан таъминлаш;
- давлат кадастрлари ахборот алмашувини ташкил қилишда, ягона давлат сиёсатини амалга оширишда ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;
- давлат ер кадастрини юритиш соҳасида тизимли равишда кадрлар танлаш, таъминлаш, малакасини ошириш;

- давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бўлган манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан бўлган фаолиятни мувофиқлаштириш;
- давлат кадастрлари ягона тизимини юритишда кўмита бўлинмаларининг ахборотларини мунтазам равишда йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ва янгилаш ишларини амалга ошириш ҳамда назорат қилиш;
- кўчмас мулк объектларининг шакллантиришга дастурларини ишлаб чиқишини таъминлаш;
- иқтисодиётга таркибий ва институционал қайта қуриш талабларига жавоб берадиган ер бозорини тиклаш ҳамда ривожлантириш;
- давлат ер кадастри юритишнинг hozirgi замон қонунчилиги ва норматив технологияларнинг талабларига жавоб бера оладиган тизимини шакллантиришни такомиллаштириш;

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини изчил амалга оширилиши, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштирилиши ва ривожлантирилишида республика ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатининг амалга оширилиши масалаларининг муоммаларини ечилишига имкониятлар яратиб, алоҳида эътибор қаратилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

## 3-илова

### Тезкор сўров саволлари

1. Ер ислоҳоти нима?
2. Ўзбекистонда ер ислоҳоти бўйича қандай ишлар амалга оширилди?
3. 1998 йилда қандай қонунлар қабул қилинди?
4. оyiҳалаш технологияси нима билан лoйиҳани бажариш услубиятидан фарқ қилади?
5. Автоматлашган лoйиҳалаш технологиясининг бошқа технологиялардан устунлиги нимадан иборат?

• **Адабиётлар**

1. Аvezбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойихалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - Т.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 б.
3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - Т.:TDAU, 2005. – 305 б.
4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

**Кўшимча**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.: Адолат, 1999.
2. [www. Ziyo. net](http://www.Ziyo.net)
2. [http:www. guz. Ru](http://www.guz.Ru)